

Шерободда воҳа тадбиркорлари билан очик мулоқот ўтказилди



Аввал хабар қилганимиздек, бугун Шеробод туманида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзаков бошчилигидаги вазирликлар, идоралар, тармоқ бирлашмалари ва тижорат банклари вакиллари билан иборат Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг воҳа тадбиркорлари ва экспортчилар билан очик мулоқоти ташкил этилди.

Расмийликдан холи ва тадбиркорлик субъектлари билан очик-ошкора мулоқотга киришилган тадбирда ишбилармонлар Комиссия раҳбарияти ва вилоят ҳокимига бевосита мурожаат этиш ва ўзларининг тадбиркорлик ва саноат фаолияти жараёнида юзага келаётган муаммоларини муҳокамага олиб чиқиш имконига эга бўлдилар.

Ҳар бир кўтарилган муаммо тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларини жалб қилган ҳолда ҳар томонлама кўриб чиқилди ва тадбиркорларнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб берадиган мақсадли ечимлар ишлаб чиқилди. Тадбир давомида мутасадди раҳбарларга ушбу ечимларни тезкор амалга ошириш ва тадбиркорларни келгусида ҳам қўллаб-қувватлаш мақсадида улар билан бевосита алоқаларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ҳозирги шароитда давлат ва бизнес ўртасида бевосита мулоқотнинг йўлга қўйилиши мавжуд “ўсиш нуқталари”дан фойдаланиб, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятидан максимал даражада фойдаланиш, шунингдек, юзага келаётган муаммоларни аниқлаш ва зудлик билан ҳал этишнинг энг самарали воситаси эканлиги таъкидланди.

Муҳокама якунида мутасадди раҳбарларга аниқ муддатлар ва амалга ошириш механизмлари кўрсатилган амалий чора-тадбирлар дастурини шакллантириш топширилди.